

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

25-сон
(369)
2009 йил
22 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

282. «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сон Фармони

283. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 18 июндаги ПҚ-1132-сон қарори

Учинчи бўлим

284. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

- тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 июндаги 161-сон қарори
285. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июндаги 164-сон қарори
286. «Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори
287. «Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 167-сон қарори
288. «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 168-сон қарори
289. «2009 — 2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 169-сон қарори

Бешинчи бўлим

290. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 майдаги 58-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1969*)

291. «2008 йилда олий таълим муассасаларига фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 10 июндаги 63, 196-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-1*)
292. «Эркак чўчкаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 18 майдаги 20/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1970*)
293. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 июндаги 29/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971*)
- Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 13 июндан 19 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

282 Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ПФ–4087-сон Фармонига мувофиқ ҳамда солиқ имтиёзларини тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан берилган, муддатсиз характерга эга бўлган солиқ имтиёзлари 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 3-иловада назарда тутилган қарорлар бундан мустасно.

4. Белгилаб қўйилсинки, вақтинчалик характерга эга бўлган ва илгари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан берилган солиқ имтиёзлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар сақланиб қолади.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 июнь,
ПФ–4116-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 17 июндаги
ПФ-4116-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги ПФ-1467-сон Фармонида:

2-банднинг биринчи хатбошидаги «ва имтиёзларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд чиқариб ташлансин;

иловада:

сарлавҳадаги «ва имтиёзлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

II бўлим чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ-2598-сон Фармонида:

а) 4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«геология-разведка ишларини ўтказиш даврида бюджетдан ташқари жамғармаларга барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни»;

б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўшма корхоналар нефть ёки газ қазиб олинишидан бошлаб 7 йил муддатга фойда солиғи тўлашдан озод қилинсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғини тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товарлар, ишлар, хизматлар экспортидаги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъий назар) улушига боғлиқ ҳолда қуйидагича белгилансин:

экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялар, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон Фармонида:

3-банддаги «ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари» деган сўзлар «юридик шахслар» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, қайд этиб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши бекор қилинади, бюджетга тегишли солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади. Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва бюджетга божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 17 июндаги
ПФ–4116-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1991 йил 29 ноябрдаги ПФ–295-сон Фармонининг 13-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 7 январдаги ПФ–307-сон Фармонининг 1-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1992 йил 24 июлдаги ПФ–445-сон Фармонининг 8-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 2 июндаги ПФ–1162-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 5 мартдаги ПФ-1384-сон Фармонининг 3-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 3 апрелдаги ПФ-1416-сон Фармонининг 3-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фахрийлари-ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида» 1996 йил 4 декабрдаги ПФ-1655-сон Фармонининг 7-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон Фармонининг 5-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармонининг 7-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 апрелдаги ПФ-1749-сон Фармони 1-бандининг тўртинчи хатбоши.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ-1919-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармонининг 3-банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ-1919-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1998 йил 25 майдаги ПФ-1998-сон Фармони.

14. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1919-сон Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 3 августдаги ПФ-2065-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармони 13-бандининг иккинчи хатбоши.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 26 декабрдаги ПФ-2793-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини яна-

да эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январдаги ПФ–3022-сон Фармонининг 3-банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 августдаги ПФ–3122-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 июлдаги ПФ–3272-сон Фармони 6-бандининг иккинчи хатбоши.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 — 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ–3342-сон Фармонининг 10-банди.

22. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ–3376-сон Фармони иловасининг 5 ва 13-бандлари.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбоши.

25. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ–2086-сон Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПФ–3741-сон Фармони.

26. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 июлдаги ПФ–3771-сон Фармонининг 1 ва 4-бандлари.

27. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПФ–3850-сон Фармони 1-иловасининг 2-банди.

28. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 июндаги ПФ–3883-сон Фармони иловасининг 1 — 4-бандлари.

29. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ–2086-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 июндаги ПФ-3886-сон Фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сон қарорининг 6-банди.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 июлдаги ПҚ-404-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон қарорининг 6-банди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 17 июндаги
ПФ-4116-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг солиқ
имтиёзлари берадиган, муддатсиз характерга эга бўлган ва
ўзининг амал қилишини сақлаб қоладиган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига туташ худудларда ердан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги 480-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбоши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги 31-сон қарорининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро рейсларда йўловчиларни овқатлантириш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва унинг бўлинмалари томонидан келтириладиган товарларни олиб кириш тартиби тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 222-сон қарорининг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси конларида суюқ углеводородлар қазиб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида» 1999 йил 2 июлдаги 322-сон қарорининг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» 1999 йил 22 июлдаги 358-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбоши.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 йил, 4-сон, 23-модда) 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 августдаги 345-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбоши.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 йил, 8-сон, 78-модда) 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбоши.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 7-сон, 73-модда) 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

283 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналарини Россия Федерациясида ва Россия Федерацияси ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикасида жойлаштириш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2009 йил 23 январь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонасини жойлаштириш учун Россия Федерациясига мулк қилиб берилган бинолар ва иншоотларнинг мулкка эгалик ҳуқуқига давлат ордери берилишини таъминласин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонасини жойлаштириш учун тегишли ер участкасини ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тақдим этилган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар асосида ушбу қарорнинг 3 ва 4-бандларида кўрсатиб ўтилган объектларга эгалик ҳуқуқи ҳамда узоқ муддатли ижара ҳуқуқини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 июнь,
ПҚ-1132-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

284 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 июнь,
161-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 12 июндаги 161-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. «Андижон вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 6 — 8-сатрлар қўшилсин:

6.	Абдуллаев Шуҳратбек Солижонович	1968 й.
7.	Абдурайимов Мерган	1953 й.
8.	Сайдалиев Саидазим Марибжонович	1965 й.

2. «Бухоро вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 4-сатр қўшилсин:

4.	Воҳидов Аззам Тоирович	1941 й.
----	------------------------	---------

3. «Жиззах вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 14-15-сатрлар қўшилсин:

14.	Инатов Баҳодир Пардаевич	1970 й.
15.	Раҳматов Абдулла	1944 й.

4. «Навоий вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 6-сатр қўшилсин:

6.	Бекназаров Акабой	1955 й.
----	-------------------	---------

5. «Самарқанд вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 14 — 23-сатрлар қўшилсин:

14.	Омонов Тўйчи	1947 й.
15.	Гулмуродов Абдиҳат Абдусаматович	1947 й.
16.	Мансуров Маруфжон Евгеньевич	1947 й.
17.	Маҳмадиев Раҳматулла	1942 й.
18.	Обруев Ҳамрокул	1945 й.
19.	Симакин Виктор Николаевич	1947 й.
20.	Ҳамроев Рамазон Гаффорович	1952 й.
21.	Худоёров Саъдулла Алиевич	1963 й.
22.	Эргашев Абдимурат	1947 й.
23.	Якубов Юрий Юсубович	1939 й.

6. «Сирдарё вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 7-8-сатрлар қўшилсин:

7.	Солиҳов Қурбонбой Сайпович	1958 й.
8.	Османов Ибрагим Абдурашитович	1959 й.

7. «Тошкент вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 26 — 35-сатрлар қўшилсин:

26.	Ан Валентин Енденович	1946 й.
27.	Астафьев Петр Иванович	1947 й.
28.	Иванцов Сергей Иванович	1943 й.
29.	Исмагулов Саиткарим	1947 й.
30.	Ким Виталий	1947 й.
31.	Пирматов Тойир Агзамович	1945 й.
32.	Халилов Азатулла	1945 й.
33.	Хасилов Тўлқин Алимович	1962 й.
34.	Шерматов Ермеханбет	1950 й.
35.	Юнусов Илҳом	1947 й.

8. «Фарғона вилояти» бўлимига қуйидаги мазмундаги 37 — 39-сатрлар қўшилсин:

37.	Қодиров Жамолитдин	1931 й.
38.	Раҳимбеков Рафиқжон	1946 й.
39.	Утанов Абдураҳмон	1930 й.

9. «Тошкент шаҳри» бўлимига қуйидаги мазмундаги 44 — 55-сатрлар қўшилсин:

44.	Абдуллаев Шукурулла	1947 й.
45.	Габбасов Наиль Мингалеевич	1937 й.
46.	Ғуломов Омон Махсудович	1943 й.
47.	Исабаев Тошпўлат	1934 й.
48.	Қосимов Мирали	1933 й.
49.	Коршун Владимир Петрович	1949 й.
50.	Нурхўжаев Абдусаттор Жабборович	1951 й.
51.	Отажонов Ибот Абдуллаевич	1945 й.
52.	Савиних Валентин Федорович	1947 й.
53.	Ҳасанов Зиёмидин Ғуломидинович	1951 й.
54.	Ҳасанов Могсум Мерденович	1951 й.
55.	Хожихонов Анвар	1933 й.

10. Охирги хатбошидаги «194» рақами «238» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

285 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 июнь,
164-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 15 июндаги 164-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорида:

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низомда (2-илова):

3-бандда:

«қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳужжатларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«фармонлари ва фармойишларига» сўзлари «фармонлари, қарорлари ва фармойишларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«қонунчилик ҳужжатларига» сўзлари «қонун ҳужжатларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари икки томонлама — тегишли ҳокимлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйсунувида бўлади»;

8-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тиббий ёрдам сифати стандартларини ва ҳажмини белгилайди, тиббий ва фармацевтик фаолиятни лицензиялашни амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«тиббий ташхис тизимини такомиллаштиради, республика ҳудуди бўйича ташхис хизматлари тармоғини ривожлантиради, ихтисослаштирилган тиббий марказлар тармоқларининг фаолият кўрсатишини таъминлайди»;

ўн тўртинчи — қирқ саккизинчи хатбоши тегишли равишда ўн бешинчи — қирқ тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўттиз биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлик ва унинг ҳудудий органлари кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлайди, врач ходимларнинг, шу жумладан клиник ординатура орақали малакасини ошириш ва касбий даражасини такомиллаштиришни амалга оширади, шунингдек раҳбар ходимларнинг малакавий таркиби ҳамда касбий даражаси юзасидан назоратни амалга оширади, касбий тайёргарлиги ва малакаси бўйича эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан уларни аттестациядан ўтказиши, соғлиқни сақлаш бошқармалари бирламчи бўғини ва ҳудудий органлари раҳбарларининг доимий равишда малакасини ошириш ҳамда касбий даражасини ошириш тизимини яратади, врачлар, фармацевтлар ва бошқа тиббиёт ходимларининг касбий малакасини оширишни назорат қилади ҳамда малака тоифалари бериш учун уларни аттестациядан ўтказиши»;

10-банднинг биринчи хатбошидан «кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган» сўзлари чиқариб ташлансин;

11-банднинг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлик марказий аппарати ходимларини ва Вазирликка қарашли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларини белгиланган

номенклатурага мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларини, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош врачини, шунингдек вилоятлар тиббий ташхис марказлари, туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларини тегишли ҳудуд ҳокимининг тавсиясига кўра лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади»;

13-банддаги «илмий тиббиёт кенгаши», «Илмий тиббиёт кенгаши» сўзлари тегишли равишда «консультатив-эксперт кенгаши», «Консультатив-эксперт кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органи тўғрисидаги Намунавий низомда (6-илова):

3-бандда:

«қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳужжатларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«фармонлари ва фармойишларига» сўзлари «фармонлари, қарорлари ва фармойишларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«тиббий хизматлар кўрсатишда диагностика ва даволашда ягона стандартларни жорий этиш, шунингдек уларга тиббиёт муассасаларида рияз этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудларда жойлашган тиббиёт муассасалари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юқумли ва ўта хавfli касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишларини амалга оширишни ташкил қилиш»;

9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Соғлиқни сақлаш бошқармасига тегишли ҳудуд ҳокими тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 53-модда):

а) Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига рияз қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларининг (1-илова) 1-бандига «Фармонига» сўзидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини

амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонига» сўзлари қўшилсин;

б) Имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлаштириш ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлаш тартибида (2-илова):

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу тартибнинг амал қилиши фақат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими-ни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Марказларга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига 2-иловада келтирилган, замонавий, юқори технологияли ташхис ва даволаш асбоб-анжомлари қўлланилган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими-ни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган марказларга ва ушбу Марказлар тўғрисидаги низомларда кўрсатилган имтиёзли тоифадаги шахсларга татбиқ этилади»;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан йилнинг ҳар чорагида мавжуд ўринлар фондининг, унинг айланишининг ва поликлиникаларнинг беморларни қабул қилиш қувватининг қуйидаги миқдорида имтиёзли бепул тиббий хизматлар кўрсатишга квоталар белгиланади:

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари учун — 20 фоизгача;

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази учун — 20 фоизгача;

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази учун ҳамда Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази учун — 30 фоизгача;

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази учун — катта ёшдагилар бўлимлари бўйича — 20 фоизгача ва болалар бўлимлари бўйича — 100 фоизгача;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази учун — 100 фоизгача.

Квоталарни минтақалар бўйича тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг буюртманомаларини кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади»;

16-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«имтиёзли тоифага кирувчи беморлар поликлиникаларнинг мавжуд ўринлар фонди, унинг айланиши ва беморларни қабул қилиш қувватининг ушбу Марказ учун қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳажмда бўлиши»;

18, 20 ва 23-бандларнинг иккинчи хатбошидаги «20 фоизига қадар ҳажмда» сўзлари «ушбу Марказ учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг тўртинчи хатбошидаги «сеткаси» сўзидан кейин «(Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тариф сеткаси)» сўзлари қўшилсин;

в) Шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморларни шифохонага ётқизиш тўғрисидаги низомда (3-илова):

5-бандга қўйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«Эндокринология маркази бўйича — 15 фоиз;

Акушерлик ва гинекология маркази бўйича — 10 фоиз;

Терапия ва тиббий реабилитация маркази бўйича — 2 фоиз»;

олтинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

Шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморларни шифохонага ётқизиш тўғрисидаги низомга иловада:

илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига шошилиш ётқизиши талаб қилинадиган беморларнинг ҳолатлари рўйхати»;

қўйидаги мазмундаги V, VI ва VII бўлимлар қўшилсин:

«V. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази:

1. Гипертоник криз, миокард инфаркти, миёда қон айланишининг кучли бузилиши билан боғлиқ қандли диабет.

2. Қандли диабет асоратлари: кома, прекома, кетоацидоз, кетоз, сурункали буйрак етишмовчилиги анурия билан, йирингли асоратлар.

3. Аралаш-заҳарли буқоқнинг оғир асорати, заҳарли буқоқнинг, аутоиммун тиреодитнинг тугунли шакллари (тиретоксик юрак, офтальмопатиянинг оғир шакллари).

4. Ўта оғир тиреодит, мураккаблашган гипертиреознинг оғир шакли.

5. Оғир йирингли струмит.

6. Кўплаб патологик синиқли гиперпаратиреоз.

7. Гипертоник кризис ҳолатли, инсулинома (оғир гипогликемик ҳолат) буйрак усти безлари ўсмалари (феохромацитома, Иценко-Кушинг синдроми).

8. Қандсиз диабет ҳолатидаги оғир аҳвол ҳамда гипопитуитаризмнинг турли шакллари.

9. Буйрак усти безлари пардасининг сурункали етишмовчилиги ҳолатидаги оғир эндокрин етишмовчилик.

10. Гипотиреоз оғир юрак-қон томирлари бузилишлари билан.

VI. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази:

1. Геморрагик шок ҳолатдаги жинсий йўллардан қон кетиши.
2. Геморрагик шок ҳолатдаги бачадондан ташқари ҳомиланинг тўхтатилиши.
3. Гинекологиядаги оғир қорин оғриғи.

VII. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази:

1. Мураккаблашган астматик мақомдаги бронхиал астма.
2. Нафас етишмовчилиги акс этган (II-III даражаси) оғир кучайиш давридаги ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК).
3. Ўткир пневмония оғир кечиш асоратлари билан.
4. Юрак ишемик касаллиги: миокарднинг оғир инфаркти, оғир коронар синдроми.

5. Гипертоник криз.

6. Юрак фаолияти ритмининг гемодинамик сезиларли ва ҳаёт учун хавфли бузилишлари.

7. Оғир чап меъда етишмовчилиги (юрак астмаси, ўпка шиши);

г) Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (4-илова):

4-банддаги «Марказларнинг 2008 йилдан кечикмай» сўзлари «Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва кардиология марказлари 2007 йилда, Республика ихтисослаштирилган урология маркази 2008 йилда ҳамда Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази 2011 йилда» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг иккинчи хатбошидаги «20 фоизига қадар ҳажмда» сўзлари «ҳар бир Марказ учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 51-модда):

а) Бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) қишлоқ муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (2-илова) 10-бандидаги «белгиланган тартибда» сўзларидан кейин «туманлар молия органларига ва» сўзлари қўшилсин;

б) Бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) шаҳар экспериментал

муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомда (3-илова):

9-банддаги «уларга» сўзи «туманлар (шаҳарлар) молия органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. БТСЁ ШЭ муассасаларини молиялаштириш Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари тегишли туманлари (шаҳарлари) ҳамда Тошкент шаҳар молия органлари томонидан тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ ҳар ойда битта суммада (харажатлар гуруҳларига бўлмасдан) амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш бюджетини ажратишда маҳаллий молия органлари биринчи навбатда БТСЁ муассасалари учун молиявий маблағлар ажратилишини таъминлаши лозим».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори)» 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 73-модда) 2-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

286 Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш йўли билан ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш масалаларини кўриб чиқиш бўйича 2-иловага*

* 2-илова берилмайди.

мувофиқ таркибда махсус комиссия (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) ташкил этилсин.

Махсус комиссия (Хаитов) икки ҳафта муддатда Махсус комиссиянинг иш регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 июнь,
166-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 17 июндаги 166-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган
хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул берилиши керак бўлган, улар томонидан ўз ҳисобига сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури — организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятларини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий ва бошқа реабилитация чора-тадбирларининг алоҳида турлари, шакллари, ҳажми, муддати ва амалга ошириш тартибини ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган ногирон учун мақбул бўлган реабилитация чора-тадбирлари комплекси;

компенсация — ногиронга (ёки унинг қонуний вакилига) пул шаклида тўланадиган, ногирон томонидан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда

тутилган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар қийматини қоплаш.

3. Сотиб олинганлиги учун компенсация тўлаш назарда тутиладиган реабилитация техник воситалари ёки кўрсатилган хизматларга қуйидагилар киради:

- кресло-аравачалар;
- кичик габаритли аравачалар;
- эшитиш мосламалари;
- хассалар ва қўлтиқтаёқлар;
- реабилитация техник воситасини жорий таъмирлаш харажатлари.

4. Ўз маблағлари ҳисобига:

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация техник воситасини сотиб олган;

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация техник воситасини жорий таъмирлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаган ногиронлар компенсация олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

5. Компенсация Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиянинг (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) қарорига мувофиқ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Махсус комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

II. Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби

6. Ногирон ёки унинг қонуний вакили (кейинги ўринларда ариза берувчи деб аталади) компенсация олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига (кейинги ўринларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органи деб аталади) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Махсус комиссия томонидан белгиланадиган шакл бўйича компенсация тўлаш тўғрисида ариза;

ногирон шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

ногиронлиги тўғрисида ТМЭК маълумотномаси нусхаси (16 ёшгача бўлган ногирон болалар учун — ТМК маълумотномаси нусхаси);

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури нусхаси;

туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг белгиланган тартибда реабилитация техник воситаси билан таъминлаш учун ногирон ҳисобга қўйилган сана тўғрисидаги маълумотномаси;

реабилитация техник воситаси сотиб олинганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқлайдиган чек, квитанция, талон, чипта ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатнинг нусхаси;

реабилитация техник воситасининг техник паспорти нусхаси.

7. Ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар уч кун мобайнида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органи томонидан Махсус комиссиянинг ишчи органига берилади.

8. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тушгандан кейин ишчи орган икки кун муддатда компенсация тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга киритади.

9. Ҳужжатлар ишчи органдан тушган санадан бошлаб икки ҳафта муддатда Махсус комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ногирон ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш ёхуд компенсация тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

10. Махсус комиссия, агар унинг мажлисида Махсус комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Махсус комиссиянинг қарорлари унинг ушбу мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Махсус комиссия раҳбарининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11. Компенсация тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор:

реабилитация техник воситаси ногиронларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурида назарда тутилмаган;

ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган ҳолларда қабул қилинади.

12. Махсус комиссия томонидан компенсация тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин 3 иш куни мобайнида ариза берувчига рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб юборади.

13. Компенсация тўлашни рад этиш учун асос бўлган тегишли сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, ариза берувчи Махсус комиссияга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Компенсация тўғрисидаги ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда рад этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилмаган янги талаблар қўйилишига йўл қўйилмайди.

14. Ариза берувчи компенсация тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

III. Компенсация миқдори ва уни тўлаш тартиби

15. Компенсация реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматларнинг ўртача қийматидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

16. Компенсация республика бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади.

17. Реабилитация техник воситасининг ўртача қиймати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан жорий йилда белгиланган тартибда ўтказиладиган тендер савдолари асосида буюртмалар жойлаштирилган тегишли реабилитация техник воситаси нархига тенг бўлган суммада белгиланади.

Хизматларнинг ўртача қиймати жорий йилда ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган реабилитация техник воситаларини таъмирлашга тарифлар ва баҳолар асосида белгиланади.

18. Компенсация тўлаш учун пул маблағлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Махсус комиссиянинг қарори асосида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

Компенсация белгиланган тартибда ногирон яшайдиган жойдаги Халқ банки бўлими орқали амалга оширилади.

19. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ногиронларга компенсация тўлаш учун тушган маблағлар ҳисобини белгиланган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигининг бўлимларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида юритадилар.

20. Компенсация Махсус комиссия томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида тўланади.

21. Ишчи орган йилнинг ҳар чорагида белгиланган муддатларда Молия вазирлигига туманлар (шаҳарлар) бўйича ногиронларга сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёхуд кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўланганлиги тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

IV. Яқунловчи қоидалар

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

287 Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси хузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси хузуридаги Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси хузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорининг 6-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«6. Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг фаолияти хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, ўрмон хўжалиги тадбирларига бюджетдан ажратилган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 июнь,
167-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Вазирлик (идора) _____
Бўлим _____ боб _____ параграф _____
Бюджет тури _____

Асосий кўрсаткичлар*	Кодлар		Ҳақиқий борлиги		Ўртача йиллик миқдори	
	тоифа-лар**	қатор-лар	йил бошига	йил (чорак) охирига	йиллик режа	бажарилиши
1	2	3	4	5	6	7
Ташкилотлар — ҳаммаси		01				
Штат бирликларини сони — ҳаммаси		02				
Жисмоний шахслар		03				
шу жумладан: бошқарув ходимлар***		04				
Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар сони***		05	х	х		
шу жумладан нафақа оладиган шахслар сони***		06				
Туман коэффициенти: сумма		07				
олувчилар сони		08				

* Молия органлари бюджетдан маблағ олувчилардан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида сет, штат ва контингентлар режасини бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

** Ушбу қатор тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

*** Ушбу қаторларни фақат ҳокимият қошидаги Ижтимоий кўникиш марказлари тўлдириладилар.

Раҳбар _____

Молия-режа хизмати раҳбари _____

Бош ҳисобчи (ҳисобчи) _____

«_____» _____ 20__ йил

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

291 «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-1

(2009 йил 27 июндан кучга киради)

Бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик тафовутларни қоплаш учун олий таълим муассасаларига молиявий кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 60, 152-1-сонли «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1818, 2008 йил 29 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 22-23-сон, 212-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь,
63-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь,
196-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2009 йил 10 июндаги 63, 196-сонли қарорига
ИЛОВА

**«2008 йилда олий таълим муассасаларига фоизсиз бюджет
судаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номи ва 1-бандидаги «2008 йилда» сўзлари «2008 ва 2009 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

номи ва сўз бошидаги «2008 йилда» сўзлари «2008 ва 2009 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «2008 йилда» сўзлари «тегишли равишда 2008 ва 2009 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрир этилсин;

2-илова мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрир этилсин.

«2008 йилда олий таълим муассасаларига
фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«2008 ва 2009 йилларда олий таълим
муассасаларига фоизсиз бюджет ссудаларини
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

КЕЛИШИЛДИ
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Вазир _____ М.Ў.
(имзо) (Ф.И.О.)
20__ йил «__» _____

ТАСДИҚЛАЙМАН
(юқори турувчи вазирлик (идора)
Раҳбар _____ М.Ў.
(имзо) (Ф.И.О.)
20__ йил «__» _____

_____ тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия
(вазирлик (идора) номи)

**харажатларини қоплашга бюджет ссудаларини ажратиш учун
ТАЛАБНОМА**

№	Олий таълим муассасаси номи	Жами маблағ тақчиллиги: 2008 й. 1 январдан 30 сентябргача; 2009 й. 1 январдан 31 августгача	шу жумладан							
			(ой)				(ой)			
			жами	шу жумладан			жами	шу жумладан		
				иш ҳақи	стипендия	ажратма		иш ҳақи	стипендия	ажратма
1.										
2.									
	Вазирлик (идора) бўйича ҳаммаси									

Вазирлик (идора) бош ҳисобчи _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Вазирлик (идора)нинг молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи _____
(имзо) (Ф.И.О.)

муҳр ўрни»

Жадвалнинг давоми

минг. сўм

шу жумладан											
(ой)				(ой)				(ой)			
жами	шу жумладан			жами	шу жумладан			жами	шу жумладан		
	иш ҳақи	стипен- дия	ажратма		иш ҳақи	стипен- дия	ажратма		иш ҳақи	стипен- дия	ажратма

«2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатларини қоплаш учун бюджет ссудасига талаб бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ**

(олий таълим муассасаси номи)

минг. сўм

№	Кўрсаткичлар	Муассаса томонидан ҳисобланган					_____ (сана) ҳолатига жами қарздорлик****
		20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик	Жами харажатлар	шу жумладан ойлар бўйича			
(ой)	(ой)			(ой)			
I.	ДАРОМАДЛАР, жами						
	шу жумладан:						
1.1.	Тўлов-контракт маблағларининг 20__ й. 1 январь ҳолатидаги қолдиги (ҳисобот бўйича)						
1.2.	20__ йил 1 март ҳолатига тушум (20__ /20__ ўқув йили учун)*						
II.	ХАРАЖАТЛАР, ҳаммаси		x	x	x	x	
	касса харажатлари	x					x
	ҳақиқий харажатлар	x					x
	шу жумладан:	x	x	x	x	x	x
2.1.	Иш ҳақи		x	x	x	x	
	касса харажатлари	x					x
	ҳақиқий харажатлар	x					x
2.2.	Стипендия		x	x	x	x	
	касса харажатлари	x					x
	ҳақиқий харажатлар	x					x
2.3.	Ягона ижтимоий тўлов		x	x	x	x	
	касса харажатлари	x					x
	ҳақиқий харажатлар	x					x
2.4.	4-гурӯҳ харажатлари		x	x	x	x	
	касса харажатлари	x					x

№	Кўрсаткичлар	Муассаса томонидан ҳисобланган					
		20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик	Жами харажатлар	шў жумладан ойлар бўйича			____ (сана) ҳолатига жами қарздорлик****
				____ (ой)	____ (ой)	____ (ой)	
	ҳақиқий харажатлар	х				х	
	____ (сана) ҳолатига ҳисоб-рақамдаги маблағ қолдиғи**	х		х	х	х	
	____ (сана) ҳолатига маблағларнинг етишмовчилиғи (-), ортиқчилиғи (+)***						

* даромадларга талабалар томонидан 20__/20__ ўқув йилда ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида тўламаганлик юзасидан тушиши кутилаётган маблағлар, шунингдек бошқа тушумлар ҳам киритилиши лозим.

** жами даромад (айирув) жами касса.

*** жами даромад (айирув) жами ҳақиқий харажатлар (айирув) 20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик.

**** касса (айирув) ҳақиқий харажатлар (айирув) 20__ йил 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик.

ОТМ Ректори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

ОТМ бош ҳисобчиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

ОТМ молия-режа бўлими бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

муҳр ўрни»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

292 Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни му- хофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1970*

(2009 йил 28 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-
даги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга
доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш
Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами,
2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш
қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 май,
20/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 18 майдаги 20/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза
қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ эркак чўчқаларни пар-
вариш қилиш билан шуғулланадиган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза
қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва хўжаликларда (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) эркак чўчқаларни парвариш қилиш билан шуғулланадиган ходимлар (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) томонидан қўлланиши шарт.

2. Мазкур Қоидалар ҳайвонлар гигиенаси ва ветеринария-санитария қоидалари, давлат стандартлари нормаларини ва бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат назорати шунга махсус ваколатланган давлат органлари томонидан, жамоат назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба ташкилотлари номидан улар томонидан сайланадиган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

4. Корхоналарда эркак чўчқаларни парвариш қилиш билан шуғулланадиган ишларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

5. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

6. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари лозим.

7. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш ҳақидаги

намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3-§. Касбий танлов

8. Корхоналарда касбига кўра саралаш ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

9. Агрессив, ёмон хулқли ва юқумли касаллик билан касалланган эркак чўчкаларга хизмат кўрсатишда (кейинги ўринларда хавфли бўлган ишларни бажаришда деб юритилади) махсус курсларни битирган шахсларнинг ишлашига рухсат этилади.

10. Барча ишчилар хавфли бўлган ишларни бажаришга киришиш олди-дан бундай ишларни хавфсиз амалга оширишлари бўйича йўл-йўриқ олишлари, талаблар билан танишишлари, уларни бажаришнинг хавфсиз усуллари-ни ўзлаштириб олган бўлишлари зарур.

11. Хавфли бўлган ишларни бажариш, белгиланган тартибда ваколатли шахс томонидан тасдиқланиб, рухсат этилгандан сўнг амалга оширилиши лозим.

12. Иш берувчи хавфли бўлган ишларнинг олдини олишни ташкил этишда ва хавфсиз ўтказишда белгиланган тартибга амал қилиши учун тўла жавобгардир.

13. Иш берувчи касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиши, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиши лозим.

4-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

14. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

15. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) асосида амалга оширилиши лозим.

16. Тиббий кўриқлар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

17. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўриқ далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

18. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

19. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

20. Ходимлар тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

21. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда маъмурият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

5-§. Ходимларга ҳимоя воситалари берилиши

22. Жамоавий ҳимоя воситаларини қўллаганда зарарли омиллар таъсирини меъёрий ҳолатигача камайтириш мумкин бўлмаса, ишлаб чиқариш ходимлари намунавий тармоқ меъёрларига мувофиқ бепул бериладиган якка тартибдаги шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши керак.

23. Иш берувчи томонидан ходимларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш учун шахсий ҳимоя воситалари таъминлаши шарт.

24. Қўлланиладиган ҳимоя воситалари вазифасига кўра, хавфсиз меҳнат шароитларини, ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли ва хавфли омиллар даражасини (ҳаво муҳити ва ёруғликни) меъёрий ҳолатга келтириши ёки мавжуд ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан бевосита ҳимоя қилишни ташкил этишни таъминлаши керак.

25. Ходимларни махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш — намунавий меъёрларга мос равишда амалга оширилади.

26. Шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш, бериш ва қабул қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

27. Иш вақтида ҳимоя кийими тугмалари маҳкам қадалган, энг манжетлари билакларгача зич қамраб олган бўлиши керак.

28. Эҳтиёт мосламалари қўллашни талаб қиладиган ишларни бажаришда меъёрларда назарда тутилганидан қатъий назар ишловчиларга эҳтиёт чораси сифатида берилиши керак.

29. Маъмурият:

а) барча зарур ҳимоя воситаларининг мавжудлиги, созлиги ва белгиланган меъёрлар талабларига мувофиқлигини;

б) ҳимоя воситаларини қўллашни (ўрнатиш, бутлаш ва фойдаланиш)ни назорат қилиш;

в) ҳимоя воситаларини таъмирлаш ва созлаб туришни;

г) махсус кийимларни вақтида ювиш ва тикиб-чатиш, чангдан тозалашни;

д) заҳарли ва хавфли моддалар нисбатан кўп ажралиб чиқадиган шароитларда ишловчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларини газ ва инфекциядан тозалашни;

е) шахсий ҳимоя мосламалари ишдан чиқишининг олдини олишни (рес-пиратор филтърларини алмаштириш, алоҳида қисмлар ва ҳоказоларни ал-маштиришни) таъминлаши керак.

III. Эркак чўчқаларни парвариш қилишда, фиксациялаш (боғлаш) ва уруғ олишда хавфсизлик талаблари

1-§. Эркак чўчқаларни парвариш қилишда хавфсизлик талаблари

30. Эркак чўчқаларни парвариш қилишда ўрнатилган кун тартибига риоя қилиниши лозим, бу нарса уларнинг осойишта феъл-атворли, ювош бўли-шига ёрдам беради.

31. Эркак чўчқаларга яқин келганда, оҳиста ва осойишта овоз чиқариш керак. Ҳайвон билан кўпол муомала қилиш, унинг қайсар ва жаҳлдор бўли-шига олиб келади.

32. Жаҳлдор эркак чўчқалар сақланадиган қафасларнинг ташқи томони ва бошқа жойларида «Эҳтиёт бўлинг, тишлайди!» деган огоҳлантирувчи ёзув-лар бўлиши зарур.

33. Эркак чўчқаларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг қафасга кири-ши, дарвоза ва йўлакларда туриб қолиши, гўнг йиғувчи узатгич ишлаганда эркак чўчқаларни ичкарига киритиш ёки ташқарига чиқариш тақиқланади.

34. Эркак чўчқаларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун гуруҳли қафасдан ва кўндаланг ҳаракатланувчи қалқондан фойдаланилади. Гуруҳли қафасга кириш олдидан темир, фанер ёки картондан тайёрланган ҳимоя воситаси — цилиндрсимон мослама кийиш керак. Бундай цилиндр полга 6 см етмайдиган ҳолатда ишчининг белига маҳкамланади.

35. Эркак чўчқаларни боқиш ва сайр қилдириш кичик гуруҳ ёки якка тартибда, ҳаво иссиқ бўлмаган вақтда амалга оширилади. Бзовта ва жаҳл-дор эркак чўчқалар сайрга алоҳида кўйилади.

36. Эркак чўчқаларнинг ўтқир тишлари ўсиши билан ўз вақтида кал-тартирилади.

37. Махсус панжарали қафасларни тозалаш ишлари у ерда, ҳайвонлар йўқ пайтида амалга оширилади.

2-§. Эркак чўчқаларни фиксациялаш (боғлаш)

38. Ветеринария чора-тадбирларини ўтказиш учун эркак чўчқаларни боғлашда (эмлаш, ахталаш, сўйиш, қон олиш) хавфсиз усулларни бажариш талаб этилади.

39. Вазни 100 кг гача бўлган эркак чўчқаларни боғлаш учун оддий ёғоч бочкадан фойдаланиш қулай усуллардан бири ҳисобланади.

Бунда бочканинг тагига 40 см қалинликда сомон тўшаллади, у горизон-тал ҳолда жойлаштирилади. Эркак чўчқа бочка ичига ҳайдалади ёки бочка эркак чўчқа томонга олиб келинади.

40. Эркак чўчка танасининг ярми киргандан сўнг, бочканинг бўш томонидан ушлаб кўтарилади ва 30 — 40 даража бурчак остида қия ҳолатида маҳкамланади. Эркак чўчкаларни ётган ҳолда маҳкамлаш учун эркак чўчка ерга ёки жарроҳлик столига ётқизилади.

41. Бу усулларни икки ишчи бажариши шарт. Бири эркак чўчканинг орқа оёқларидан, иккинчиси кулоқларидан ушлаб, сўнгра ён бошига ағдаради.

42. Эркак чўчканинг олдинги ва орқа оёқлари диагонал бўйича ёки учала оёқлари биргаликда арқон билан боғланади.

43. Эркак чўчқани елкаси билан катта тоғорага қўйиш мумкин, бу ҳолда олдинги ва орқа оёқлари алоҳида жуфт қилиб боғланади, бунинг натижасида арқоннинг бир учи олдинги оёқдан орқа оёққа қўйилади, иккинчи учи орқа оёқдан олдинги оёққа тугун билан маҳкамланади.

44. Арқоннинг иккала учи ҳам бирга ушланиб, бирор-бир тўсиқдан ташланади ва имкони борича юқорига кўтарилади.

45. Орқа оёқларининг бирига сакровчи бўғим юқори қисмидан арқондан иборат ҳаракатланувчи тугун ташланиб, унинг бўш учи 1,5 м баландликда эркак чўчка олдинги оёқларига суянган ҳолда тортиб жойлаштирилади.

46. Йирик эркак чўчкаларни арқонлар тугуни ёрдамида юқори жағидан маҳкамланади.

47. Маҳкам арқондан ҳаракатланувчи тугун ясаиб эркак чўчка ўткир тишлари орқасидан ташланиб маҳкамланади.

48. Арқоннинг бўш учи бир неча марта дарахтга, тўсинга, столбага боғланади. Бунинг учун эркак чўчқани битта ишчи ушлаб туради.

49. Эркак чўчка болаларини ахталаш ва даволаш муолажаларини амалга ошириш учун эмизиш давридаги эркак чўчка болалари, 3-4 ойлик эркак чўчкаларни маҳкамлашда куйидаги усуллар қўлланилади:

эркак чўчқани елкаси билан тоғорага қўйиш ёки тиззада ўтирган ҳолатида ва орқа оёқдан ушлаб туриш усули;

эркак чўчқани орқа оёқларидан ярим осилган ҳолатда тик тутиб, унинг оёқларидан ушлаб туриш.

3-§. Эркак чўчкалардан уруғ олишда хавфсизлик талаблари

50. Эркак чўчка билан оталантириш ёки уруғ олиш жараёни осойишта ва қатъият билан амалга оширилиши керак. Ўта ювош муносабатда бўлиш эркак чўчкада тажовуз қилиш ҳаракатининг пайдо бўлишига олиб келади.

51. Эркак чўчқани манежга табиий оталантириш учун киритиш ёки уруғ олишни махсус йўлакда амалга ошириш зарур.

52. Эркак чўчкадан уруғ сунъий ясалган она чўчкалар қўғирчоқ макети билан таъминланган манежда олинади.

53. Эркак чўчқани қўғирчоқ макетга ўргатиш учун, у аввал манежда-

ги бир қанча она чўчкалар олдиға, сўнгра қўғирчоқ макетли манежға қўйилади.

54. Уруғ қабул қилувчи сунъий қин қўғирчоққа шундай қўйиладики, қиннинг кириш тешиги билан қўғирчоқнинг орқа тешиги бир-бирига тўғри келиши керак. Ўткир четлари ва оралиқларининг ўртасидаги бўшлиқлар эркак чўчкаға оғриқ келтирмаслиги ва унда тажовузкорликни уйғотмаслиги керак.

55. Уруғ олиш вақтида атрофда бегона шахслар бўлмаслиги керак ва осойишталикни сақлаш талаб этилади.

56. Уруғ тўлдирилган канистрлар, пинцет ва бошқа жисмлар суюқ азотға (сачраб кетмаслиги учун) охиста киритилади.

57. Суюқ азот билан бир кишининг ишлаши тақиқланади.

58. Суюқ азот билан транспорт идишларидан Дьюара идишини тўлдириш эгилувчан металл шланг билан амалға оширилади, унинг пастки учи идишнинг тубигача туширилган бўлади.

59. Бошқа идишдан Дьюар идишини суюқ азот билан тўлдириш, кенг металл воронка орқали амалға оширилади, суюқликнинг воронкадан тўкилиб кетишига йўл қўйилмайди. Суюқ азот тўсатдан тўкилганда, азот буғлари тўлик чиқиб кетгунча эшик очилиб, вентиляция уланади, хонадан барча ишчилар ташқарига чиқарилади.

60. Дьюар идишини тўлдириш вақтида унинг оғзига қараш тақиқланади, идиш бўғзида суюқ азот томчилари пайдо бўлиши билан бу жараён тўхтатилади.

61. Дьюар идишлари махсус қопқоқлар билан беркитилади.

62. Ампула ёки спермали гранула суюқ азотдан чиқарилганда идиш оғзида 1-2 сония ушлаб турилади, чунки азот томчилари буғланиши лозим.

63. Дьюар идишини ташиш чоғида унинг тушиб кетишига, урилишига ҳамда кескин ҳаракатларға йўл қўймаслик лозим.

64. Дьюар идишидан хавфсиз фойдаланиш мақсадида қуйидагилар тақиқланади:

Дьюар идишини иситиш асбоблар олдиға қўйиш;

Дьюар идишидан суюқ азотни қиздириш йўли билан чиқариш;

ишлаб чиқарувчи корхона томонидан бериладиган сертификатсиз суюқ азотдан фойдаланиш ёки аралашмалар борлиги ҳақида текшириш натижалари бўлмаганда;

бошқа суюқликлар учун Дьюар идишидан фойдаланиш;

65. Дьюар идишларидан суюқ азотнинг оқиб чиқиши ва унинг бинодаги юқори концентрацияси натижасида бош оғриғи, бош айланиши, хушдан кетиш, хансираш каби белгилар пайдо бўлганда тезда вентиляцияни улаб, жабрланувчини тоза ҳавоға олиб чиқиш керак.

66. Суюқ азот оқишини бартараф қилиш учун фақат химояланувчи ёки шлангли противогазлардан фойдаланилади. Противогазда ишлаганда ҳар 30 дақиқада 5 дақиқа танаффус қилиш лозим.

**IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик
учун жавобгарлик**

67. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

68. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ходимларни саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

V. Яқуний қоида

69. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

С. ИСМОИЛОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 22 апрель*

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 22 апрель*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 22 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

293 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари-
да меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқ-
лаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971*

(2009 йил 28 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-
даги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга
доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий
этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпла-
ми, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **бююраман:**

1. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳо-
фаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 июнь,
29/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг
2009 йил 8 июндаги 29/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида
меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофа-
за қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-
шининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ ободонлашти-
риш ва кўкаламзорлаштириш ишларида (бундан кейинги ўринларда обо-
донлаштириш ишлари деб юритилади) ишловчи ходимларнинг (бундан

кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) меҳнатини муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунидан қатъи назар, барча ободонлаштириш ишларида хизмат кўрсатувчи корхоналарга (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар архитектура-қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, давлат стандартларининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қоидалари ҳамда маълум турдаги ишларни бажариш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати, бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

4. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ корхоналарда қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

бахтсиз ҳодисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши ва бошқалар.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи корхоналарда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ишловчилар сони 50 дан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш корхона раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига корхонада мехнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш қиради.

7. Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда тугатилади.

8. Корхоналарда «Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь), (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) талабларига мувофиқ ҳар бир мутахассислик бўйича, шунингдек ҳар бир бажариладиган иш турлари учун алоҳида мехнат муҳофазасига оид йўриқномаларнинг ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши зарур.

9. Корхоналарда мехнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Мехнат муҳофазаси бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган ўта хавфли ишлар рўйхати

10. Ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришнинг аниқ шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг рўйхати тузилади.

11. Корхоналарда шикастланиш, касаллик ёки иш қобилиятининг пасайишига олиб келадиган, ходимларга таъсир ўтказадиган хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари қуйидагилардан иборат:

ишлаб турган электр узатгич линиялари яқинида олиб бориладиган ишлар;

кучланиш остидаги электр кабеллар ўтказилган участкаларда ер қазиш ишларини бажариш;

хлорни транспортировка қилиш, хлордан фойдаланиш ва бошқа кучли таъсир этувчи заҳарли моддалардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажариш;

фтордан фойдаланиш ва уни чиқариш билан боғлиқ ишларни бажариш; ернинг патоген зарарланган участкалари (чиқинди тўпланадиган жойлар, мол ўликхоналари, қабрлар ва бошқа шу каби жойлар)да ер қазиш ишларини бажариш;

баландликда ишларни бажариш ва баландликка кўтарилиш билан боғлиқ ишларни бажариш;

дарахтларни кесиш билан боғлиқ ишларни бажариш;

дарахтларни транспорт воситаларига ортиш, тушириш ва уларга бирламчи ишлов бериш билан боғлиқ ишларни бажариш;

транспорт воситаларининг қатнови вақтида йўл ҳаракати жойларида дарахтларни антисептик ва ёнғиндан ҳимоя воситалари билан тўйдириш ишларини бажариш.

3-§. Якка тартибда ҳимояланиш воситаларидан фойдаланишга бўлган талаблар

12. Корхона маъмурияти ходимларни белгиланган меъёрларга мувофиқ, керакли якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаши, улардан фойдаланиш муддатларига ҳамда сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарурий шартларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бериш ҳисобини юритиши шарт.

13. Якка тартибда ҳимояланиш воситаларидан фойдаланиши лозим бўлган ходимлар, уларнинг қўлланиш усулларини, ҳимояланиш хусусиятларига, амал қилиш муддатлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

14. Корхона раҳбарияти қўйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни;

шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳотида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

15. Ҳимоя кийими иш вақтида тўла тугмаланган бўлиши, шунингдек улардан фойдаланишда енг манжетлари ва бармоқлари қўл ҳимоя воситаси билан бекитилган бўлиши зарур.

16. Ходимларнинг сочлари махсус бош кийим (берет, рўмол ва ҳоказо) билан бекитилган ва йиғиштириб олинган бўлиши лозим.

17. Транспорт воситалари ҳаракатланиш жойларида ишларни бажараётган ходимлар қўшимча сигнал воситаси сифатида, сариқ рангли ип матодан тикилган нимчалар билан таъминланган бўлиши лозим.

18. Якка тартибда ҳимояланиш воситалари алоҳида жойларда сақланиши зарур.

19. Суюқ захарли кимёвий воситалар билан ишлашда организмни ҳимоя қилиш учун қўйидаги воситалардан фойдаланиш зарур:

кислотадан химояловчи восита билан тўйдирилган ип матодан тикилган махсус кийим;

резинадан тикилган кўкракпешли фартук;

резина этиклар;

резина қўлқоплар;

резина енг манжети.

20. Чангсимон, қуруқ ва қаттиқ заҳарли кимёвий воситалар билан ишлашда организмни химоя қилиш учун қуйидаги воситалардан фойдаланиш зарур:

чанг ўтмайдиган матодан тикилган махсус кийим;

махсус қўлқоп;

резина этиклар ёки брезент бахиллар.

21. Кўзни заҳарли кимёвий моддалардан химоялаш учун ПО-2, «Моноблок», СЗЗМ-бц турдаги химоя кўзойнақларидан фойдаланиш зарур.

22. Заҳарли кимёвий моддаларни нафас олиш йўллариغا киришидан химоялаш учун РУ-60 М турдаги универсал респираторлар, коробкалари алмаштириладиган саноат противогозлари, Ф-62 III, У-2К, «Лепесток», «Астра-2» турларидаги чангга қарши респираторлардан фойдаланиш зарур.

Учувчанлиги юқори бўлган заҳарли кимёвий моддалар билан ишлашда коробкали саноат противогозларидан (А, В, Г маркали) ёки респираторлардан фойдаланиш зарур.

Учувчан заҳарли кимёвий моддалар билан ишлашда РУ-60 М турдаги, патронлари алмаштириладиган респираторлар (А, В маркалари) фойдаланиш зарур.

Учувчан бўлмаган заҳарли кимёвий моддалар билан ишлашда чангга қарши У-2К, Ф-62 III, «Астра», «Лепесток» туридаги респираторлардан фойдаланиш зарур.

4-§. Касбий танлов

23. Корхоналарда касбига кўра танлов асосида ишга қабул қилиниши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

24. Барча ишчилар ўта хавфли бўлган ишларни бажаришга киришишдан олдин, бундай ишларни амалга ошириш бўйича йўл-йўриқдан ўтишлари, талаблар билан танишишлари ва уларни бажаришнинг хавфсиз усуллари ўзлаштириб олган бўлишлари зарур.

25. Ўта хавфли ишлар билан шуғулланиш, белгиланган тартибга мувофиқ корхона раҳбари томонидан тасдиқланиб, рухсат этилган ходимлар томонидангина амалга оширилиши лозим.

26. «18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 1040, 2001 йил 9 июнь), (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 11-сон) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

27. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь), (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 1-сон) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

28. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ходимларни касбий танловдан ўтказишда қуйидагиларни ташкил этиши зарур:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосан ишга киришдан олдин ва даврий равишда тиббий кўриқдан ўтказиб туриш;

малакали саралашдан ўтган ходимларнинг касбга адаптацияси жараёнини назорат қилиб бориш;

ходимларнинг амалий кўникмаларини касб талабларига мувофиқлигини текшириб туриш.

5-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

29. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

30. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

31. Корхона маъмурияти барча ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ташкил этишлари ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

6-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

32. Ободонлаштириш ишларига белгиланган тартибда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтган ҳамда тиббий жихатдан соғлом бўлган шахслар қўйилади.

33. Корхона раҳбарияти (ёки иш берувчи) ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда уларнинг тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим.

34. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

35. Корхона раҳбарияти тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, ҳамда далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

36. Даврий тиббий кўрикларни ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра берилган тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик корхона маъмурияти зиммасига юкланади.

37. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда, корхона маъмурияти ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

38. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосида амалга оширилиши лозим.

III. Ободонлаштириш ишларини бажариш жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Ободонлаштириш ишларини бажаришда ходимларнинг меҳнат хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

39. Йўл қоғламасига нитробўёқ билан чизиқларни чизиш ишлари комбинезон, ҳимоя кўзойнаклари ва респиратор кийган ходимлар томонидан бажарилади. Бўёқлар билан ишлайдиган барча ходимлар уларнинг хусусияти ва хавфсизлик техникаси бўйича йўл-йўриқдан ўтказилган бўлиши лозим.

40. Белги чизиқларини чизиш ишларини бажараётган ходимлар бригадасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган тиббий аптечка бўлиши шарт.

41. Дарахтларга шакл бериш жараёнида гулқайчи, қўларралар, электр арралар ҳамда бензин билан ишлайдиган арралардан фойдаланишга, фақатгина улардан хавфсиз фойдаланиш усулларини ўзлаштирган ходимларга рухсат этилади.

42. Ходимларнинг тегишли диэлектрик оёқ кийими, резина қўлқоплар ва бошқа ҳимоя воситаларисиз электр токи билан ишлайдиган асбоб-ускуналарда ишлашлари ман этилади.

43. Об-ҳавонинг ёғингарчилик пайтларида электр асбоб-ускуналарда ишларни бажариш тақиқланади.

44. Ходимлар томонидан пичоқлари махсус ҳимоя воситалари билан жиҳозланмаган автоматик ўт ўриш ускуналаридан фойдаланиш тақиқланади.

45. Ходимлар томонидан меҳнат хавфсизлиги бўйича қўшимча (кучайтирилган) талаблар қўйиладиган ишлар (дарахтларга шакл бериш, дарахт-

ларни афдариш ва бошқалар) белгиланган тартибда рухсатнома орқали амалга оширилади.

Рухсатнома мавжуд иш ҳажмларини бажариш муддатига берилади. Ишларни бажаришда бир суткадан ортиқ вақт танаффус қилинганда ёки бажарилаётган ишларнинг шарт-шароитлари ўзгарган ҳолларда рухсатнома бекор қилинади ва ишларни қайта бошлаш учун янги рухсатнома берилади.

2-§. Ободонлаштириш ишларини бажаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларга қўйиладиган талаблар

46. Ободонлаштириш ишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуналарга қўйидаги талаблар ўрнатилади:

меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими талабларига жавоб бериш-лиги;

техник кўриқдан ва синовларда ўтганлиги;

белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда жойлаштирилганлиги;

фойдаланиш жараёнида уларга профилактика хизмати кўрсатиб борил-ганлиги;

белгиланган муддатларда жорий ва мукамал таъмирдан ўтганлиги.

47. Фойдаланишда бўлган барча турдаги автомашиналар, шунингдек обо-донлаштириш соҳасида ишлатиладиган техник воситалар (гидравлик, теле-скопик) шотилар, кўчатларни суғоришга ихтисослашган автосувташувчи воситалар ва насос-кучланиш ускуналари ва тиркамалар техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши лозим.

48. Хавфсиз меҳнат шароитларини таъминламайдиган, техник жиҳат-дан эскирган ҳамда яроқсиз ҳолга келган жиҳозлар алмаштирилиши ва ҳисоб-дан чиқарилиши лозим.

3-§. Иш режимига қўйиладиган талаблар. Дам олиш ва меҳнат қилиш тартиби

49. Ходимларнинг оптимал даражадаги иш режими ва дам олишини таъминлашга қўйидагилар орқали эришилади:

иш шароитлари зарарли бўлган иш жойлари ва участкаларини аниқлаш;

иш ва дам олишнинг белгиланган режимига риоя этиш;

меҳнаткашларнинг юқори самарадорлик билан ишлашини таъминлайди-ган иш ва дам олиш режимларини таъминлаш;

шамол кучи ва ташқи ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб, ишда танаффус-лар қилиш ёки ишларни вақтинча тўхтатишни таъминлаш;

шамол кучи ва ташқи ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб, ишда танаффус-лар қилиш ёки ишларни вақтинча тўхтатишни таъминлаш зарур;

иш шароитларидан келиб чиқиб, зарарли иш шароитлари учун қоплама тўловлар ва имтиёзлар тақдим этиладиган ходимлар контингентини аниқлаш ва уларга ушбу имтиёзларни тақдим этиш.

51. Ишнинг кун тартиби, иш ҳафтаси, дам олиш ва танаффус вақти қонун ҳужжатларига асосан белгиланиши керак.

52. Ишлаш ва дам олиш тартибини тузаётганда ишнинг хусусиятини, зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш омиллари, меҳнат тури ва оғирлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим.

53. Дам олиш ва меҳнат қилиш тартиби бир неча турлардан иборат бўлиши керак. Дам олиш учун берилган вақт, меҳнатнинг оғир ва енгиллиги, жисмоний ва ақлий иш турларига қараб белгиланиши керак.

Куннинг иссиқлик ҳарорати 33°C дан ошган вақтларда, ташқарида ишловчи ходимларнинг иш куни режимига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

54. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидаларга риоя қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи корхоналар зиммасига юклатилади.

55. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

56. Ишларни бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

V. Яқуний қоида

57. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2009 йил 5 июнь

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси*

Б. УЛАШОВ

2009 йил 5 июнь

*«Саноатконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

И. ХОЛМАТОВ

2009 йил 5 июнь

*Ўзбекистон қасаба уюшмалари
федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 5 июнь

*Ўзкоммунхизмат» агентлиги
бош директори*

Ў. ХАЛМУХАММЕДОВ

2009 йил 5 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 13 июндан 19 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чорақлик ва йиллик ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 майдаги 58-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 июнь рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1969 (2009 йил 26 июндан кучга киради).

2. «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 10 июндаги 63, 196-сонли қарори.*

2009 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-1 (2009 йил 27 июндан кучга киради).

3. «Эркак чўчкаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 18 майдаги 20/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1970 (2009 йил 28 июндан кучга киради).

4. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 июндаги 29/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971 (2009 йил 28 июндан кучга киради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг